



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ
NAZARIYASI VA TARIXI.
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД
ТЎХТАМУРОДОВИЧ**
Қонунчилик ҳужжатлари тизимини
такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий
асослари
- 14 **МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА
АБДУРАШИДОВНА**
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма
в развитии духовно-просветительских традиций
будущих юристов
- 21 **ISMOILOV BEKJON SALIHovich**
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida
O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish
muammolari
- 31 **ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ**
Стратегическое планирование:
теоретические и методологические аспекты

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.
MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 39 **БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ**
Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг
шаклланиши ва ривожланиши
- 50 **RAKHIMOV DILMURODJON
GULOMJON OGLI**
Some issues of the legal status of civil
servants in Uzbekistan

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 59 **БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ**
Искусственный интеллект: возможна ли
ответственность роботов?

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI. XO‘JALIK PROTSESSUAL
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA
MEDIATSIYA

- 70 **XABIULLAEV DAVLATJON
YULCHIBOEVICH**
Fuqarolik ishлари бўйича биринчи
инстанция суди ҳужжатларини
такомиллаштириш масалалари
- 81 **XAKBERDIEV ABDUMURAD
ABDUSAIDOVICH**
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якуний
босқич сифатида ихтиёрий ижро этиш
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun'iy
intellektning o'rni
- 95 **XUDOYNAZAROV DADAXON
AVAZ O'G'LI**
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror
ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBЕК
ABDULLO O'G'LI**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **XAYRULINA ASALЬ BAXODIROVNA**
Возникновение и развитие альтернативных
способов разрешения споров: национальный
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **SUBXONOV SHERALI MUHAMMAD UGLI**
Некоторые вопросы совершенствования
механизма исполнения судебных решений
о взыскании алиментов

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.
IJTIMOIY TA'MINOT HUQUQI

- 133 **GAZIEV SHAHRUX MURODALIEVICH**
Ҳарбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя:
тушунчаси ва моҳияти
- 140 **TOшов MUHAMMAD RAJABOVICH**
Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа
ходимнинг ишга қабул қилиниши, шунингдек,
ўриндошлик иши чекланганлиги сабабли
меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.

JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**

Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,
metodologik asoslari va bosqichlari

156 **ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,
тушунча ва белгилар

166 **ALOYEV ULUG‘BEK MAXMUDOVICH
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**

Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta’sir etuvchi
omillar

174 **АНОРБОЕВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**

Общая характеристика преступлений
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**

The legal and institutional regulation of tourism
in the Republic of Uzbekistan: emergence and
development

13.00.02 – TA’LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO‘YICHA)

190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**

Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 343.1(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-3029-2767

ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАР: МОҲИЯТ, ТУШУНЧА ВА БЕЛГИЛАР

Тошпўлатов Акром Икромович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди,
e-mail: a.toshpulatov@tsul.uz

Аннотация. *Жиноят-ҳуқуқий принциплар масаласи, унга жиноят ҳуқуқи фанида ҳар доим эътибор қаратилганлигига қарамасдан, энг баҳсли масалалардан бўлиб қолмоқда. Жиноят қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш давом этмоқда. Шу муносабат билан жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва уни қўллаш жараёнида йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин бўлган объектив хусусиятга эга аниқ кўрсатмаларнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Бу вазифа эса азалдан жиноят-ҳуқуқий принципларга юклатилган. Шу билан бирга, жиноят-ҳуқуқий принциплар муаммоларига бағишланган ишларда асосий эътибор уларнинг маълум бир турларини тадқиқ қилиш билан чекланиб қолаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳуқуқий принципларни ўрганиш методологиясига, уларнинг моҳиятини тадқиқ қилишга жиддий эътибор берилмаяпти. Шу сабабдан ушбу мақолада тадқиқот мақсади сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: жиноят-ҳуқуқий принципларнинг моҳиятини очиб бериш ва ўзига хос белгиларини аниқлаш ҳамда жиноят-ҳуқуқий принципларнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини белгилаш, уларнинг халқаро ҳуқуқ принциплари билан алоқасини ўрганиш. Илмий янгилик жиноят-ҳуқуқий принципларнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини аниқлаш, жиноят ҳуқуқи принципининг моҳиятини ойдинлаштириш, унинг хусусиятларини белгилашга нисбатан муаллифлик ёндашувида ифодаланади.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқ тизими, жиноят ҳуқуқи, принцип, ҳуқуқий принцип моҳияти, ҳуқуқий принцип белгилари.*

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ ПРИНЦИПЫ: СУЩНОСТЬ, ПОНЯТИЕ И ПРИЗНАКИ

Тошпулатов Акром Икромович,
кандидат юридических наук, самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. *Проблема принципов уголовного права, несмотря на то, что в уголовно-правовой науке ей во все времена уделялось внимание, остается одной из самых дискуссионных. Уголовно-правовое законодательство продолжает подвергаться изменениям. В связи с этим как никогда повышается значение четких и ясных ориентиров объективного характера, которыми можно бы было руководствоваться в процессе совершенствования уголовного закона и его применения. Эта роль издавна отводится принципам уголовного права. При этом важно отметить, что в современных трудах, посвященных проблемам уголовно-правовых принципов, акцент смещен в сторону исследования их конкретных видов. Вопросам методологии изучения правовых принципов, постижения их сущности не уделяется пристального внимания. Это объясняет выбор цели исследования в этой статье: раскрыть сущность и выявить характерные признаки уголовно-правовых принципов; установить место уголовно-правовых принципов в правовой системе, а также их взаимосвязь с принципами международного уголовного права. Научная новизна заключается в авторском подходе к определению места уголовно-правовых принципов в правовой системе, уточнению сущности уголовно-правового принципа, установлению его признаков.*

Ключевые слова: *правовая система, уголовное право, принцип, сущность правового принципа, признаки правового принципа.*

PRINCIPLES OF CRIMINAL LAW: MEANING, CONCEPTS AND ELEMENTS

Toshpulatov Akrom Ikromovich,

Independent researcher of Tashkent state university of law,
Candidate of law

Abstract. *The issue of the principles of criminal law remains one of the most controversial topics despite the continuous attention paid to it in the criminal law field. The criminal law is undergoing constant changes. In this regard, the importance of straightforward and objective guidelines, which could help in the process of improving the criminal law and its application, is increasing as never before. This role has long been assigned to the principles of criminal law. It is important to note that in modern works on the problems of criminal law principles, the emphasis is shifted towards the study of their specific types. The methodology of studying legal principles, comprehending their essence is not thoroughly researched. This article aims to explain the choice of objective research: to reveal the essence and identify the characteristic features of criminal law principles; to establish the essence of criminal law principles in the legal system in accordance with the principles of international criminal law. Scientific novelty is in the author's approach to determining the essence of criminal law principles in the legal system, clarifying the essence and establishing its features.*

Keywords: *legal system, criminal law, principle, essence of a legal principle, signs of a legal principle.*

Кириш

Жиноят-хуқуқий принциплар масаласи, унга жиноят ҳуқуқи фанида ҳар доим эътибор қаратилганлигига қарамасдан, энг баҳсли масалалардан бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз жиноят-хуқуқий сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда қонун ижодкорлиги жараёнини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва уни қўллаш жараёнида йўл-йўриқ кўрсатиши мумкин бўлган объектив хусусиятга эга аниқ кўрсатмаларнинг аҳамияти бугун ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Бунда жиноят-хуқуқий сиёсат мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган фундаментал тадқиқотлар, жумладан, жиноят-хуқуқий принципларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда жиноят-хуқуқий принциплар муаммоларига бағишланган ишларда асосий эътибор уларнинг маълум бир турларини тадқиқ қилиш билан чекланиб қолаётганлиги, жиноят-хуқуқий принципларни комплекс тадқиқ қилишга оид илмий ишлар мавжуд эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Шу сабабдан жиноят-хуқуқий принципларнинг моҳиятини очиб бериш ва ўзига хос белгиларини аниқлаш, жиноят-хуқуқий принципларнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрнини бел-

гилаш, шунингдек, уларнинг халқаро ҳуқуқи принциплари билан алоқасини ўрганиш долзарбдир.

Тадқиқот методлари. Мақолани ёзишда тизимли таҳлил, мантикий мушоҳада, қиёсий таҳлил, илмий ишларни шарҳлаш методларидан фойдаланилди.

Гипотезалар. Жиноят-хуқуқий принципларни тадқиқ қилиш бир қанча сабаблар туфайли долзарб масала ҳисобланади. Аввало, жиноят ҳуқуқининг моҳиятини белгилайдиган асосий қоидалар ичида жиноят-хуқуқий принциплар муаммолари марказий ўринни эгаллайди. Принциплар деганда, аввало, бирор нарса, ҳодиса ва муносабатларнинг асоси, ғояси, ибтидоси тушунилади.

Жиноят-хуқуқий принципларнинг аҳамияти суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳамда жиноят-хуқуқий сиёсат асослари ўзгараётган вақтда, айниқса, яққол намоён бўлади.

Аmmo мамлакатимиз олимлари томонидан жиноят-хуқуқий принциплар, уларнинг моҳияти масалалари алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган бўлиб, жиноят ҳуқуқининг маълум бир институтларини тадқиқ қилишда айрим принциплар ҳам мавзуга боғланган ҳолда тадқиқ қилиб ўтилган.

Мамлакатимизда жиноят-хуқуқий принципларни комплекс тадқиқ қилиш, мазкур

принципларнинг умумхуқуқий принциплар тизимида тутган ўрни ва ўзаро алоқадорлиги, принципларнинг моҳияти ва белгиларини ўрганиш зарурати мавжуд. Кўрсатиб ўтилган масалаларни комплекс тадқиқ қилиш орқали мамлакатимизда жиноят-хуқуқий сиёсатни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг илмий асосларини кучайтиришга хизмат қиладиган ғоялар, қоидалар ишлаб чиқиши мумкин.

Асосий қисм

Жиноят-хуқуқий принциплар моҳияти. Жиноят-хуқуқий принциплар ҳақида сўз юритганда, аввало, уларнинг моҳиятини тушуниб олиш талаб этилади.

Моҳият – ҳақиқат, ҳар нарсанинг асли, туб негизи. Бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз [1].

Жиноят-хуқуқий принциплар моҳияти тушунчаси қуйидаги ўз хосликларга эга. Биринчидан, бу тушунча ҳодисанинг ўзини акс эттиради (хуқуқий принципнинг расман қонунда акс эттирилганлиги); иккинчидан, у хуқуқий принципнинг энг барқарор хусусиятидир; учинчидан, уни тўғридан-тўғри идрок қилиш орқали аниқлаб бўлмайди.

Бир қанча муаллифлар фикрича, хуқуқий принциплар бу хуқуқ моҳиятини акс эттирадиган ғоялардир [2].

Бу қарашни таҳлил қилиш бир қанча саволларни келтириб чиқаради. Биринчидан, агар принциплар хуқуқнинг моҳиятини акс эттирса, унда принциплар моҳияти деганда, нималарни тушуниш керак? Иккинчидан, агар хуқуқнинг моҳияти ягона бўлса, унда нега принципларнинг сони кўп? Шу муносабат билан хуқуқнинг моҳиятини аниқ акс эттирадиган масалаларни тадқиқ этиш лозим.

Айнан хуқуқ принципларининг моҳиятини тўғри англаш, хуқуқий соҳада олиб борилаётган ислохотларни тўғри йўналтириш, унинг назарий асосларини мукамал ишлаб чиқиш хуқуқ барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам кўп олимлар томонидан хуқуқ принципларини тадқиқ қилишга жиддий эътибор қаратилган.

Жумладан, А.Ф. Черданцев хуқуқ принциплари хуқуқ йўналишини белгиладиган асосий қадриятларни акс эттириши ва ифодалаши лозим деб ҳисоблайди [3]. Бундай

ёндашув хуқуқ моҳиятини очишда омадлироқ чиққан, чунки ижтимоий қадриятлар бир эмас, балки бир неча компонентлардан ташкил топган. Шу билан биргаликда, хуқуқ принциплари асосий қадриятларни акс эттириши бу икки ҳодисанинг ўзаро мувофиқлигини ёритиш механизмини жуда ҳам соддалаштириб юборади. Албатта, хуқуқда ижтимоий қадриятлар акс эттирилади, аммо бу жараён билвосита жиноят хуқуқий сиёсат субъектлари онги (дунёқараши) орқали содир бўлади. Жамиятда қадриятлар кўп қиррали, шу сабабдан ҳам давлат сиёсатининг бир қисми бўлган жиноят-хуқуқий сиёсат ушбу қадриятларни ўзига мос эҳтиёжларни қондиришга мослаштирган ҳолда хуқуқда акс эттиради.

Б.Т. Разгильдиев ҳам А.Ф. Черданцев позициясига яқинроқ фикрни билдирган. Унинг таъкидлашича, жиноят-хуқуқий принцип – бу жамият, унинг аъзолари томонидан давлат ҳокимиятига жиноят қонунини қабул қилиш, уни қўллаш, шахсни, унинг хуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини фуқаролар томонидан ҳимоя қилишни таъминлашда жиноят-хуқуқий шаклда ифодаланган ахлоқий талаблар мажмуидир [4]. Ўз фикрларини давом эттирар экан, муаллиф жиноят қонуни тарихи кўп асрлар давомида ривожланиб келган ҳамда бу ривожланишнинг моҳияти ахлоқий такомиллаштиришдан иборат бўлган ва шундай бўлиб қолади, деб кўрсатади.

Албатта, хуқуқий принципларнинг маълум бир маънода ахлоққа боғлиқлигини инкор қилиб бўлмайди. С.И. Никулиннинг таъкидлашича, жиноят хуқуқи ахлоқий асос билан чамбарчас боғлиқ, чунки у дастлаб инсониятнинг адолат ҳақидаги қарашини ўзида ифода этиш орқали келиб чиққан [5].

Юқоридаги фикрларни инкор қилмаган ҳолда, моҳият бирор-бир нарса ёки ҳодисада доимо мавжуд бўлишини таъкидлаймиз. Шу билан биргаликда, хуқуқий принцип қанчалик аниқ ифодаланган бўлса, унинг моҳияти шунчалик аниқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-моддасида демократизм принципи мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкин. Бу ерда шахсни ахлоқан тузатиш масаласи марказий ўринда туради. Шу билан биргаликда, қанчалик тўғри мақсад қўйилган бўлмасин, ушбу принципни ўз моҳиятига кўра жиноят ҳуқуқидан кўра кўпроқ жиноят-ижроия ҳуқуқи принципи сифатида тавсифлаш ўринлироқ бўлар эди. Чунки мазкур принцип мазмунан жамоатчиликнинг жиноят содир қилган шахсларни ахлоқан тузатиш ишига жалб қилинишини назарда туттади. Шу сабабдан ҳам жиноят ҳуқуқидаги демократизм принципи айнан жиноят ҳуқуқи олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Жиноят ҳуқуқи ривожланиши тарихига қарасак, унинг принциплари ҳар доим ҳам ахлоқий қадриятларга асосланмаган. Масалан, собиқ Совет иттифоқи жиноят қонунчилиги ривожланишида принципларнинг асоси сиёсий ғоялар бўлган (хусусий мулкчиликнинг тан олинмаслиги, давлат ҳуқуқининг шахс ҳуқуқидан устунлиги ва ҳ.к.).

Фикримизча, жиноят-ҳуқуқий принциплар моҳияти инсоният ривожидан давлат ривожланиб келган ахлоқий қадриятлар, муайян даврда жамият ва давлат олдига турган вазифалар, функцияларни ҳал қилишга қаратилган ғояларни ифода этади.

Жиноят-ҳуқуқий принциплар тушунчаси. Жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилиш масаласи бир қанча сабаблар туфайли долзарб масала ҳисобланади. Аввало, жиноят ҳуқуқининг моҳиятини белгилайдиган асосий қоидалар ичида жиноят-ҳуқуқий принциплар муаммолари марказий ўринни эгаллайди. Принциплар деганда, аввало, бирор нарса, ҳодиса, муносабатларнинг асоси, ғояси, ибтидоси тушунилади. Ҳуқуқ кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш вазифасини бажарар экан, принциплар ушбу тартибга солиш асосларини белгилайди. А.В. Сумачевнинг фикрича, бунда принципларга оид “ҳуқуқий” сўзи қўлланилиши бир қанча хусусиятларга эга.

Биринчидан, ушбу асослар (ғоялар) ҳуқуқда (бунда ҳар доим ҳам қонунчиликда акс эттирилмаслигини ҳам назарда тутиш лозим) акс эттирилиши керак. Иккинчидан,

ҳуқуқий принциплар ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ соҳаси, айрим ҳолларда эса бирор-бир ҳуқуқ институтининг тизимини белгилайди. Учинчидан, принциплар бир томондан ҳуқуқ ижодкорлари, иккинчи томондан, ҳуқуқ ижрочиларига нисбатан қаратилган бўлади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жиноят-ҳуқуқий принциплар бу – норматив белгиланган асосий асос (ғоя) бўлиб, жиноят ҳуқуқи тизимини белгилайди ҳамда умумрегулятив ва аниқ регулятив жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади [6].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, принцип тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Принцип (лотинча принципиум – асос, негиз, ибтидо) 1. Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ш.к.нинг дастлабки, асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинган бош ғоя; қонун-қоида; 2. Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат меъёрларини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуқтаи назар, қараш, маслак [7].

Ҳуқуқпринциплари, ҳеч муболағасиз, унинг моҳиятини ифодаловчи асосий механизмлардан бирини, таг замини (синч – умуртқаси)ни ташкил этади. Улар бутун ҳуқуқий материяни – ғоялар, нормалар ва муносабатларни қамраб олиб, жами ҳуқуқий ҳаётга муайян мантиқ, мазмун-маъно, собитқадамлик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. Янада тегинроқ таъриф қиладиган бўлсак, ҳуқуқ принципларида, бамисоли, ҳуқуқ ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий тараққиётининг ҳосиласи ўзининг мужассам ифодасини топади. Принциплар ҳуқуқ шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

Ҳуқуқ принциплари ўзига хос таянч тузилма бўлиб, унга нафақат ҳуқуқ нормалари, институтлари ёки тармоқлари, балки бутун ҳуқуқ тизими асосланади. Мазкур раҳбарий принциплар давлат идораларининг бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти учун йўналтирувчи бўлиб хизмат қилади. Уларга риоя этиш даражасига ҳуқуқий тизимнинг барқарорлиги ва самаралилиги бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ принциплари умуммажбурий тусга эга бўлганлиги сабабли улар турли ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари, нормалари ва ҳуқуқий муносабат-

лар, объектив ҳамда субъектив ҳуқуқ ўртасидаги ички бирлик, уйғунлик ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Р.З. Лившиц принциплар бутун ҳуқуқий материя – ғоялар, нормалар ва муносабатларни қамраб олади ва унга мантиқийлик, изчиллик, мувозанат бахш этади, деб ҳисоблайди. Принципларда ҳуқуқ ривожининг жаҳон тажрибаси, цивилизация ютуқлари синтез қилинади. Принциплар худди бой ҳуқуқий материянинг “қуруқ қолдиғи”, унинг ўзига хослик ва хусусийликлардан холи бўлган моҳиятига ўхшайди. Принциплар ҳуқуқ шаклланишида йўналтирувчи роль ўйнайди. Ҳуқуқ эволюцияси ғоядан нормага, шундан кейин нормани амалга оширишдан ижтимоий амалиётга қараб ривожланади. Шундай қилиб, одатда, ғоя ҳуқуқий принцип сифатида шаклланишидан келиб чиққан ҳолда, принцип ҳуқуқнинг ривожини белгилайди, деб кўрсатади [8].

А.Л. Вязов эса принципни, биринчи навбатда, ғоя деб ҳисоблайди. Аммо у нафақат ғоя, балки инсоният ривожланиши тарихи давомида шаклланган, инсоният маданияти элементлари сифатида намоён бўладиган ғоялар, нормалар ва муносабатлар ҳамдир. Бу (яъни принциплар) ижтимоий тараққиётнинг объектив зарурати ва қонун чиқарувчининг субъектив ихтиёри ўртасидаги мувозанатни сақлаш воситаларидан биридир [9].

Р.Л. Иванов принциплар тушунчасини гносеологик, онтологик ва функционал жиҳатлардан таҳлил қилган ҳолда, ҳуқуқ принциплари – бу унинг турли манбаларда мустаҳкамланган ёки барқарор ҳуқуқий амалиётда ифодаланган умумэтироф этилган фундаментал ғоялар бўлиб, ҳуқуқнинг умумижтимоий ва хусусий қонуниятларни билиш даражасини акс эттиради ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг ички изчил ва самарали тизимини яратади, шунингдек, ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солади, деб ҳисоблайди [10].

Айрим муаллифлар фикрича, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий принциплари жиноят-ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ва Жиноят кодексининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, жиноий жавобгарликнинг умумий асослари, йўналиши ва ҳажмини белгиловчи таянч ғоялардир [11].

Жиноят-ҳуқуқий принципларнинг аҳамияти суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳамда жиноят-ҳуқуқий сиёсат асослари ўзгараётган вақтда, айниқса, яққол намоён бўлади.

Бугунги кунда жаҳонда жиноят қонунини қўллашнинг ўта репрессив амалиётини қайтадан кўриб чиқиш, шу жумладан, мавжуд жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига муқобил чораларни жорий этиш зарурати пайдо бўлди [12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон қарорида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда қуйидаги муаммолар санаб ўтилди:

биринчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

иккинчидан, жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

учинчидан, алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

тўртинчидан, тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

бешинчидан, халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан, юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги;

олтинчидан, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида жиноят қонунчилигини 3 та йўналишда такомиллаштириш бўйича вазибалар белгиланди [13].

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун янги тахрирдаги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш белгиланган. Янги тахрирдаги Жиноят кодексини ишлаб чиқиш эса, ўз навбатида, жиноят қонунчилигининг негизи ҳисобланган жиноят-ҳуқуқий принципларни илмий тадқиқ қилишни тақозо этади. Зеро, М.Х. Рустамбаев тўғри таъкидлаганидек, принциплар жиноят қонунида мустақамланган демократик давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати моҳияти ва ҳозирги йўналишларини ифодалайдиган, содир этилган жиноят учун жавобгарлик негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий тасавурларни акс эттирадиган етакчи ғоялар ва асосий қоидалардир [14].

Жиноят-ҳуқуқий принципларни тадқиқ қилишда қонунчилик асосларимиз ўхшаш бўлган собиқ иттифоқ таркибига кирган давлатларда амалга оширилган бир қанча тадқиқотлар ўрганиб чиқилди [15].

Мамлакатимиз олимлари томонидан жиноят-ҳуқуқий принциплар, уларнинг моҳияти масалалари алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган бўлса-да, аммо жиноят ҳуқуқининг маълум бир институтларини тадқиқ қилишда принциплар ҳам мавзуга боғланган ҳолда тадқиқ қилиб ўтилган.

Жумладан, У.Холиқулов жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро боғлиқлигини юритишда принципларнинг аҳамияти масалаларини тадқиқ қилган [16].

Н. Салаев пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилишда жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларини жиноят-ҳуқуқий принципларга боғлиқ ҳолда кўриб чиққан [17]. А. Расулев ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни содир этганларга нисбатан жазо тайинлашда жиноят қонунининг одиллик ва инсонпарварлик принципларига асосланиш масалаларини [18] тадқиқ қилган. Д. Камалова жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жа-

вобгарликни такомиллаштириш масалаларини жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи билан боғлиқ ҳолда [19], Х. Абзалова одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашда одиллик принципига риоя этиш масалаларини [20] ўрганган. Албатта, жиноят ҳуқуқига доир дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг барчасида жиноят-ҳуқуқий принциплар масаласи акс эттирилганлигини эътироф этган ҳолда, биз, асосан, илмий тадқиқотларга эътибор қаратдик.

Ўрганиб чиқилган диссертациялар таҳлили жиноят-ҳуқуқий принциплар борасида турлича қарашлар мавжудлигини кўрсатди, аммо умумий маънода муаллифларнинг барчаси принципларнинг жиний жавобгарликнинг умумий асослари, йўналиши ва ҳажмини белгиловчи таянч ғоялар сифатида қарашлари аниқланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги тахрири ишлаб чиқилаётганлигидан унумли фойдаланган ҳолда, ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиб, жиноят-ҳуқуқий принципларни ҳам қайтадан кўриб чиқиш зарур. Сўнгги вақтларда бирор-бир ижтимоий муаммоларни айнан жиний жавобгарлик белгилаш орқали ҳал этишга бўлган уринишлар кўпаяётганлиги, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни ҳам асоссиз равишда жиноят-ҳуқуқий муносабатлар орбитасига тортишнинг кучайиб бораётганлиги, юридик шахсларнинг жиний жавобгарлигини қонунчиликка киритиш, жиноят ҳуқуқи манбалари доирасини кенгайтириш бўйича таклифлар амалдаги жиноят қонунчилигида назарда тутилган принциплар моҳияти доирасидан четга чиқиб кетмоқда. Шу сабабдан ҳам бундай таклифларни, энг аввало, жиноят ҳуқуқи вазифалари, функциялари ҳамда принциплари мазмуни-моҳиятидан келиб чиқиб таҳлил қилиш, муҳокама қилиш талаб этилади.

Жиноят-ҳуқуқий принциплар белгилари. Жиноят-ҳуқуқий принциплар тушунчаси мазмунини тадқиқ қилишда, унинг чегаралари аниқ бўлмаганлиги маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Жиноят-ҳуқуқий принциплар мазмунини англашда унинг белгиларини тадқиқ қилиш ёрдам беради.

Халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳуқуқ принципларининг қуйидаги белгилари ажратиб кўрсатилади: а) принциплар – бу нормалар бўлиб, улар фақат сиёсий-ҳуқуқий дастурлари бандлари ёки нормаларнинг сиёсий-ҳуқуқий умумлашмаси эмас; б) принциплар универсал нормалар ҳисобланади; барча умумэътироф этилган нормалар ҳам принцип ҳисобланмайди, аммо барча принциплар фақат универсал нормалар бўлади; в) асосий принциплар умумэътироф этилган бошқа нормалардан тарихий тараққиётнинг муайян асосий қонуниятларини акс эттириши билан фарқ қилади; г) принциплар – императив нормалар, бошқа нормалар ушбу принципларга мослаштирилиши лозим; д) принциплар нафақат бошқа нормаларнинг ҳуқуқийлиги мезони, балки айти пайтда халқаро ҳуқуқни, унинг нормаларини янада ривожлантириш учун йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалардир [21].

Н.А. Лопашенконинг фикрича, ҳуқуқий принциплар: 1) жиноят ҳуқуқининг объектив қонуниятларини очиб беради; 2) Конституция, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган прициплари ва нормаларига асосланади; 3) жиноят ҳуқуқини унинг вазифаларини ҳал қилишга йўналтиради; 4) жиноят ҳуқуқининг барча институтларини қамраб олади; 5) энг юқори императивлик ва умумийликка эга бўлади; 6) амалий аҳамиятга эга бўлади [22].

В.Д. Филимонов эса принципларнинг белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) жиноят ҳуқуқи нормалари мазмунини белгилайдиган бошланғич ва йўналтирувчи қоидалар; 2) жиноятчиликка қарши курашда қонун чиқарувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлар ва фуқаролар учун мажбур бўлган талаблар; 3) жиноят қонунчилигининг барча нормаларига таъсир қилувчи қоидалар; 4) қатъий барқарор хусусиятга эга қоидалар; 5) жиноят-ҳуқуқий нормаларда юридик мустақамланган қоидалар [23].

В.Н. Яшин ва Г.И. Горелова эса жиноят-ҳуқуқий принципларнинг зарурий белгиларига бироз бошқачароқ ёндашган: 1) норматив-ҳуқуқий хусусиятга эгалик, яъни ғоялар, қоидалар ва илмий ишланмаларнинг қонунда акс эттирилганлиги; 2) ўз навбатида, хусусий аҳамиятга эга нормаларни шакллантириш учун асос бўладиган жиноят ҳуқуқининг асо-

сий, бошланғич ғояларининг белгилаб қўйилиши; 3) концептуал (нисбатан мавҳум) ғоялар, қоидаларнинг умумлаштирилиши; 4) жиноят қонунчилигини бошланғич нормасидан то охириги нормасигача тўлиқ қамраб оладиган ғоя, қоидаларнинг амал қилиши; 5) принципларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, чунки айнан принциплар бир тизим сифатида жиноят ҳуқуқи олдиға қўйилган вазифалар бажарилишини кафолатлайди [24].

Бошқа муаллифлар эса принциплар тизимини бироз кенгайтирган ҳолда тизимлаштиради: 1) принципларнинг ҳуқуқ нормаларида қонуний мустақамланганлигидан келиб чиққан ҳолда мажбурий аҳамиятга эгалиги; 2) принциплар жиноят ҳуқуқининг предмети бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асоси бўлиб хизмат қилади; 3) ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳамда фуқароларнинг хулқ-атвориға бевосита таъсир кўрсатади; 4) ҳар доим жиноят ҳуқуқи мақсадлари (вазифалари), шунингдек, жиний жавобгарлик асослари билан боғлиқ бўлади; 5) жиноят қонунчилигининг барча нормаларига таъсир қилиш хусусиятиға эга; 6) барқарорлик хусусиятиға эга; 7) қонун чиқарувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади; 8) муайян ҳуқуқ нормаларини мантиқан тадқиқ қилиш натижаси ҳисобланади; 9) бир тизим сифатида мавжуд бўлади ва ишлайди [25].

Т.Р. Сабитов эса жиноят-ҳуқуқий принципларнинг мажбурий белгилари сифатида қуйидагиларни ҳисоблаш кераклигини таклиф қилади: 1) нормативлик; 2) инсон фаолияти билан боғлиқлик; 3) илмий асосланганлик; 4) мафкуравий ифодаланганлик; 5) универсаллик; 6) императивлик; 7) сиёсий асосланганлик; 8) тизимлилик [26].

М.Х. Рустамбаев фикрича, жиноят ҳуқуқи принциплари жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида қонун чиқарувчи, қонунни амалда қўлловчи органлар ва барча фуқаролар учун мажбурий бўлган асосий қоидалардир. Жиноят ҳуқуқи принциплари қуйидагилар: а) халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларига мос келиши; б) жиноят ҳуқуқи принципларининг фундаментал хусусиятга эга эканлиги; с) жи-

ноят ҳуқуқи принципларининг ўзаро алоқа-дорлиги каби белгиларга эга [27].

Айрим муаллифлар жиноят ҳуқуқи принципларини объектив ва субъектив белгиларга бўлишади. Принципларнинг объектив белгиси жиноят ҳуқуқи принципларининг жиноят ҳуқуқи нормалари билан мустаҳкамланганлиги ва ҳуқуқий фаолиятнинг асоси бўлиб хизмат қилишида ифодаланади. Принципларнинг субъектив белгиси жиноят ҳуқуқи принципларининг алоҳида субъектлар: қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар, шунингдек, фуқаролар томонидан индивидуал онгли қабул қилиб олинishi билан боғлиқдир. Принципларнинг субъектив моҳияти уларнинг умумтартибга солувчи аҳамиятга эга эканлигини билдириб, шахсларни ўз қилмиш (хатти-ҳаракат)ларини бошқара олишларига ундайди [28].

Албатта, жиноят-ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий принципларнинг белгилари каби умумий белгилар билан ифодаланади ва ўз навбатида, тартибга солиш предметига боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга.

Хулосалар

Кўриниб турибдики, илмий тадқиқотларда жиноят-ҳуқуқий принциплар моҳияти, тушунчаси ва белгилари масаласида турлича қарашлар, ғоялар, талқин қилишлар мавжуд. Ҳар бир ғоя мавжуд бўлиши ҳуқуқини эътироф этган ва муаллифлар нуқтаи назарини ҳурмат қилган ҳолда, жиноят-ҳуқуқий принципларнинг моҳияти, унинг тушунчаси ва белгиларига оид қуйидаги фикрларни илгари сураимиз.

Ҳуқуқ ҳар доим инсоният ривожининг муайян бир даврида жамият ва давлатда мавжуд бўлган вазифалар ва функцияларни тартибга солиш воситаси бўлган. Жиноят-ҳуқуқи эса эса ушбу тартибга солиш воситасида кўпроқ жазоловчи функцияни бажарган. Ж.Ж. Руссо таъкидлаганидек, жиноят қонуни моҳиятан ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси эмас, балки барча соҳаларнинг санкциясидир [29].

Албатта, Ж.Ж. Руссонинг бу фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, аммо жиноят ҳуқуқи айнан бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини бажармаганлик учун ўзига хос жазоловчи соҳа сифатида юзага келганлигини инкор қилолмаймиз.

Жиноят ҳуқуқи ривожланиши тарихида шахсга жисмоний азоб бериш ёки уни ҳаётидан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларнинг кўп қўлланилганлигига гувоҳ бўлганмиз. Ўша даврларда жиноят-ҳуқуқий сиёсат, жиноят-ҳуқуқий принциплар бундай жазолар қўлланилишига имкон берган. Жамият ривожининг, инсонпарварлик ғояларининг кенг тарқалиши, ўз навбатида, шахсни ҳаётдан маҳрум қиладиган ёки унга жисмоний азоб берадиган, озодлигини чеклайдиган жазолар ўрнига жазоларнинг инсонийлаштирилиши (гуманизм) ғоялари асосида жиноят ҳуқуқи ривожланиб бормоқда. Шу сабабдан жиноят-ҳуқуқий принциплар ҳақида барча даврлар учун ўзгармас, универсал бўлган таъриф мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга асосан, “жиноят ҳуқуқий-принциплар бу – жамият олдида турган вазифалардан келиб чиқадиган, жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва жиноят қонунчилиги моҳиятини, йўналишларини белгилайдиган, жиноят ҳуқуқининг тизимлилиги ва узвийлигини таъминлаш учун хизмат қиладиган етакчи ғоялар ва қоидалар йиғиндиси” деган муаллифлик таърифи илгари сурилади.

Фикримизча, жиноят-ҳуқуқий принциплар моҳияти ўзида инсоният ривожининг давомида шаклланиб келган ахлоқий қадриятлар, муайян даврда жамият ва давлат олдида турган вазифалар, функцияларни ҳал қилишга қаратилган ғояларни ифода этади. Халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларига мослик, илмий асосланганлик, сиёсий асосланганлик, императивлик, универсаллик, тизимлилик жиноят-ҳуқуқий принципларнинг белгилари ҳисобланади.

Жиноят қонунчилиги янгиланаётгани муносабати билан, энг аввало, жиноят-ҳуқуқий принциплар мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, принциплар мазмунига ўзгартиришлар киритиш зарур. Айнан жиноят-ҳуқуқий принципларнинг мазмуни жиноят қонунчилигининг ривожланиши йўналишини белгилаб беради.

Айрим жиноят-ҳуқуқий принциплар мазмунан жиноят қонунчилиги эмас, балки бошқа турдош ҳуқуқ соҳаси бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-моддасида демократизм принципини ўз моҳиятига асосланиб, жиноят ҳуқуқидан кўра кўпроқ жиноят-ижроия ҳуқуқи принципи сифатида тавсифлаш ўринлироқ бўлар эди. Чунки ушбу принцип мазмунан жамоатчиликнинг жиноят содир қилган шахсларни ахлоқан тузатиш ишига жалб қилишни назарда тутди. Шу сабабдан ҳам жиноят ҳуқуқидаги демократизм принципи айнан жиноят ҳуқуқи олдида қўйилган вазибалардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Сўнги вақтларда жиноят қончилигига маълум бир қилмишлар учун жиний жавобгарлик белгилаш бўйича кўплаб ўзгартиришлар киритиш (криминализация), айрим қилмишларни жиноят қончилигидан чиқариш (декриминализация)да тизимлик, изчиллик мавжуд эмаслиги ушбу масалаларни принцип сифатида мустаҳкамлаб қўйишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан қилмишларни криминализация ва декриминализация қилиш масалалари принцип сифатида Жиноят кодексида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. A. Madvaliyev tahriri ostida. M. B.311. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20M.pdf
2. Obùaya teoriya prava: kurs leksiy / pod obù. red. V. K. Babaeva. Nij. Novgorod, 1993, p. 128; Teoriya gosudarstva i prava: ucheb. dlya vuzov / pod red. V. M. Korelskogo, V. D. Perevalova. Moscow, 2003, p. 242; Burganov R. S. Prinsipù ugovnogo prava i prinsipù naznacheniya nakazaniya: avtoref. dis. ... kand. jurid. nauk. Kazan, 2006, p. 8
3. Cherdansev A. F. Teoriya gosudarstva i prava: ucheb. dlya vuzov. Moscow, 2000, p. 187.
4. Razgildiev B. T. Ugolovno-pravovùe prinsipù: ponyatie, realizatsiya, yuridicheskaya priroda // Ugolovnopravovùe, penitensiarinùe prinsipù i ix realizatsiya: pravotvorcheskiy, pravoprimeritelny urovni: materialù vseros. nauch.-prakt. konf. (g. Saratov, 28-29 marta 2005 g.): v 2 ch. Ch. 1 / pod red. B. T. Razgildiyeva. Saratov, 2005, p. 5.
5. Nikulin S. I. Nравstvennùe nachala ugovnogo prava: ucheb. posobie. Moscow, 1992, p. 6.
6. Sumachev A.V. O principax ugovnogo prava. J. Yuridicheskaya nauka i pravooxranitelnaya praktika 4 (42) 2017. Str. 8.
7. O'zbek tilining izohli lug'ati. A. Madvaliev tahriri ostida. P. B. 309 https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf/.
8. Livshits R.Z. Teoriya prava. Moscow, 1994, pp. 195–196.
9. Vyazov A.L. Prinsip spravedlivosti v sovremennom rossiyskom prave i pravoprimerenii (teoretiko-pravovoe issledovanie): Avtoref. dis. ... kand. jurid. nauk. Moscow, 2001, p. 15.
10. Ivanov R.L. O ponyatii principov prava // Vestnik Omskogo universiteta. 1996, Vùp. 2, p. 118.
11. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqi kursi. Besh tomli. 1-tom. Umumiy qism. Jinoyat to'g'risida ta'limot. Darslik / M.X.Rustambaev, A.A.Otajonov va boshq. Tashkent, O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2018, p. 21.
12. Xidoyatov B. Konseptualnùe osnovù razvitiya ugovnogo zakonodatelstva Respubliki Uzbekistan. Yuridik fanlar axborotnomasi-Vestnik yuridicheskix nauk-Review of law sciences. Tashkent, 2018, p. 78.
13. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi PQ–3723-sonli qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini takomillashtirish konsepsiyasi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 15.05.2018-y., 07/18/3723/1225-son, 01.10.2018-y., 06/18/5547/1975-son.
14. Rustamboev M.H. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. Tashkent, ILM ZIYO, 2005, p. 476
15. Filimonov, V. D. Prinsipù ugovnogo prava / V. D. Filimonov. Moscow, Yurist, 2007. p. 234; Malsev, V. V. Prinsipù ugovnogo prava i ix realizatsiya v pravoprimeritelnoy deyatelnosti. Moscow, Yuridicheskij sentr "Press", 2004, p. 321; Korablev R.N. Prinsip zakonnosti i yego realizatsii v ugovnom prave Rossiyskoy Federatsii.

- Dis. kand. yurid. nauk. Moscow, 2004; Frolov S.Y. Prinsipû prava (voprosû teorii i metodologii). Avtoref. dis. kand. yurid. nauk. Nijniy Novgorod, 2001; Burganov R.S. Prinsipû ugovnogo prava i prinsipû naznacheniya nakazaniya. Dis. kand. yurid. nauk. Kazan, 2006; Novikova L.A. Obûie prinsipû i normû mejdunarodnogo prava v sisteme rossiyskogo publicnogo prava. Dis. kand. yurid. nauk. Moscow, 2001; Sumachev A.V. Dispozitivnost v ugovnom prave: teoretiko-prikladnoy analiz: dissertatsiya dokt. yurid. nauk: Yekaterinburg, 2006; Sidorenko E.L. Dispozitivnost kak rejim ugovno-pravovogo regulirovaniya. Dissertatsiya dokt. yurid. nauk. Moscow, 2013; Sabitov T.R. Ugolovno-pravovûe prinsipû: ponyatie, sistema i vidû. Dis. dok. yurid. nauk. yekaterinburg 2019 va b.
16. Xoliqulov U.Sh. Sovershenstvovanie ugovnogo zakonodatelstva Respubliki Uzbekistan v usloviyax uglubleniya demokraticeskix reform. Dissertatsiya dokt. yurid. nauk: Tashkent, 2018, pp. 62–78
17. Salaev N.S. Penitensiar tizimning profilaktik funksiyasi samaradorligini oshirish. Yuridik fanlar doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent, 2017.
18. Rasulev A.K. Axborot texnologiyalari va xavfsizligi sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashishning jinoyat-huquqiy va kriminologik choralari takomillashtirish. Yuridik fanlar doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent, 2018.
19. Kamalova D.G'. Jinoyatga tayyorgarlik ko'rishning xususiyatlari va uning uchun javobgarlikni takomillashtirish. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent, 2018.
20. Abzalova X.M. Odam o'ldirishga qarshi kurashishning jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlari. Yuridik fanlar doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent, 2020.
21. Grefrat B. O meste principov v sisteme sovremennogo mejdunarodnogo prava // Pravovedenie. 1969. no. 2. p. 109
22. Lopashenko N. A. Osnovû ugovno-pravovogo vozdeystviya: ugovnoe pravo, ugovnûy zakon, ugovno-pravovaya politika. SPb., 2004, pp. 157–159.
23. Filimonov V. D. Prinsipû ugovnogo prava. Moscow, 2002, p. 29–31.
24. Yashin V. N., Gorelova G. I. Sistema principov ugovnogo prava Rossiyskoy Federatsii kak garantiya zakonnosti pravoprimenitelnoy deyatelnosti / Sledovatel. 2006, No. 3, p. 6.
25. Arendarenko A. V. Rol principa sotsialnoy spravedlivosti v nauke ugovnogo prava Rossii // Zakon i pravo. 2007, No. 8, p. 47.
26. Sabitov T.R. Ugolovno-pravovûe prinsipû: ponyatie, sistema i vidû. Dissertatsiya na soiskanie uchenoy stepeni doktora yuridicheskix nauk. Ekaterinburg. 2019, p. 47.
27. Rustamboev M.H. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. Tashkent, ILM ZIYO, 2005, p. 47.
28. "Ugovnoe pravo". Obûaya chast. Uchebnik // Pod. red. N.I. Vetrova, Y.I. Lyapunova. Moscow, Novûy Yurist, KnoRus, 1997, p. 39.
29. J.-J. Rousseau. Du contrat social, ou Principes du droit politique // Oeuvres de Jean-Jacques Rousseau. T. 1. Politique. Paris, 1793. p. 235.